

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

“Сув таъминоти ва оқова сув  
объектлари қурилиши бўйича  
инжиниринг компанияси” УК  
Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти  
худудий бошқармаси бошлиғи,  
Комиссия раиси

**И. Мухитдинов**

2022 й.



***“Тошкент вилояти Ангрен шаҳар Собиқ  
Резинотехника АЖ худудидаги КСЗ ичимлик сув  
тармоғини қуриш” объекти бўйича***

***ТЕХНИК ТОПШИРИҚ***

	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	2	3
1.	Буюртмачи	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.
2.	Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 06-июндаги ПҚ-271-сон қарори
3.	Молиялаштириш манбаси	Бюджет
4.	Объект номи	“Тошкент вилояти Ангрен шаҳар Собиқ Резинотехника АЖ ҳудудидаги КСЗ ичимлик сув тармоғини қуриш”
5.	Лойиҳаланадиган иншоотнинг асосий кўрсаткичлари ва рўйхати	- <b>Янги қурилиш</b> - ичимлик сув тармоғини қуриш, узунлиги $\approx 0.5$ км ( <i>узунлиги ва диаметри лойиҳани ишлаб чиқишда аниқланади</i> ) - ободонлаштириш (лойиҳа асосида) - лойиҳани “Тошкент сув таъминоти” МЧЖ билан келишиш.
6.	Технологик жараёнлар ва ускуналарга қўйиладиган асосий талаблар	Ишчи лойиҳани ишлаб чиқишда қўйидагилар ҳисобга олинсин: - замонавий автоматлаштириш тизимлари ва сув сарфини ўлчаш қурилмаларини қўллаш ( <i>уланиш нуқтасида ва сув тарқатиш тугунининг чиқишида</i> ) - эпоксид қопламали задвижка ва қайтарувчи клапанлар ўрнатиш; - полиэтилен қувурларни қўллаш ( заводда ишлаб чиқарилган); - лойиҳаларда тармоқлар ва иншоотларни гидравлик ҳисобини бажариш; - Уй-жой коммунал хизмати кўрсатиш вазирлигининг 24.01.2020 йил №23-сонли буйруғига асосан технологик жараёнларни марказлаштирилган тартибда назорат қилиш, бошқариш ва электр энергия сарфи ҳисобини юритишда SCADA тизимига уланиши мумкин бўлган ўлчов асбоблари ва жиҳозлари қўлланилсин.
7.	Иншоот иш режими	Доимий
8.	Ташқи транспорт алоқалари ва таъминот тизими	Мавжуд ташқи транспорт алоқалари ва таъминот тизимларидан фойдаланилсин
9.	Атроф-муҳит муҳофазасига қўйиладиган талаблар	“Атроф-муҳит таъсирига оид баёноти” лойиҳасини бажариш (ЗВОС)
10.	Рекультивация ва ободонлаштиришга бўлган талаб	Лойиҳада аниқланади
11.	Режалаштирилган қурилиш муддати	2022 йил
12.	Мажмуаларни ишга тушириш зарурияти ва кетма-кетлиги	Талаб этилмайди
13.	Муҳандислик тадқиқотлар ишлаб чиқариш учун талаблар	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган қоида ва йўриқномаларга асосан
14.	Махсус қурилиш шароитлари	Қурилаётган объектлардаги тупроқларнинг ҳисобланган сейсмиқлиги ва хусусиятлари муҳандислик-геологик ҳулосага мувофиқ
15.	Лойиҳалаш учун махсус шартлар	- Ишчи лойиҳага топширикни буюртмачи ҳамда эксплуатация ташкилоти билан келишиш (ШНҚ 1.03.01.20 га асосан); - Ишчи лойиҳани амалдаги қонун ва қоидаларга мувофиқ ишлаб чиқиш; - Ичимлик сув тармоқлари тортилишидан аввал тегишли ташкилот ва идоралар билан келишиш (ҳудудий электр тармоқлари, алоқа, газ, автоўл, табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси, ДСЭНМ ва бошқа ташкилотлар); - Лойиҳани ишлаб чиқишда электр қувватини ҳисоблаб ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг техник шартини олиш. - Лойиҳани ишлаб чиқишда “Тошкент сув таъминоти” МЧЖдан техник

		<p>шарт олиш.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-Тошкент вилояти қурилиш бошқармасидан АРТ олиш.</li> <li>- Сув иншоотини электр тармоқларига уланишда ҳудудий электр тармоқлари қорхоналарининг техник ҳулосаси ҳамда лойиҳасига асосан келишиш. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли Қарорнинг: 4 боб, 23-бандда)</li> <li>- Лойиҳани ишлаб чиқишда абонентлар ва уланадиган аҳоли сонини кўрсатиш;</li> <li>- Қурилишнинг бошланғич нархи жорий нархларда ҳисоблаш;</li> <li>- Ишчи лойиҳа буюртмачига босма шаклда 3 нусxada ва электрон шаклда тақдим этиш.</li> </ul>
16.	Ҳисоб-китоблар варианти	Талаб этилмайди
17.	Фуқаро мудофаасининг муҳандислик-техник чораталбирларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар ва фавқулдда огоҳлантиришлар	Тошкент вилояти ФВБ талабларига биноан

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Бош муҳандиси

А.Бобокулов

Бирламчи-рухсат берувчи, лойиҳавий ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи

Ш.Туйчиев